НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 6 (10.059) / 2004 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига қарашли Олий бизнес мактаби корпоратив бошқарув марказининг 240 нафар тингловчиларига малака оширганликлари тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

● **ЭРТАГА** Акмал Икромов туман ҳокимлигида «Интеллектуал ёшлар» ўқув маркази ташаббуси билан марказда таълим олаётган ўқувчилар учун «Янги йил байрами» тадбири ўтказилади.

● **БУГУН** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ҳамза туман бўлимида ҳарбий хизматга чақирув ёшидаги ёшлар ҳамда тумандаги 2 та ҳарбий қисм аскарлари ўртасида тўрт кураш бўйича Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Тошкент Давлат циркида кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Янги йил арча байрами ўтказилади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан туманда истиқомат қилаётган меҳрга ташна инсонлар иштирокида уюштирилган тадбир Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

***Шаҳримиз кўчаларида ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилиб, намунали хизматлари билан уларни қувонтираётган янги «Мерседес» автобусларидан 15 таси «3-автобус саройи» ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиларига ажратилди.***



## ТАЙЁРГАРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Яқинда яна шу миқдордаги машҳур немис фирмасининг транспорт воситалари корхона автобуслари сафини кенгайтириши кўзда тутилган. Бу, албатта, 20та йўналиш бўйича пойтахтимизнинг турли бурчакларига йўловчиларни ўз вақтида ва бехатар етказишда ғайрат кўрсатаётган автосарой ҳайдовчиларини янада намунали хизмат кўрсатишга ундаши, шубҳасиз.

Шуни таъкидлаш ўринлики, жамоада қишки-баҳорги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд 200 та транспорт воситалари яна кўрикдан ўтказилиб, ҳайдовчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Ишчи-хизматчиларга етарли шароитлар яратилди.

— Режа асосида бажарилган юмушларнинг барчасида ҳайдовчиларимиз ва таъмирлаш ишларини бекаму кўст амалга оширган уста, чилангар, пайвандчиларнинг хизматлари катта бўлди, — дейди бош муҳандис Улуғбек Тошпўлатов. — Албатта, тайёргарлик натижалари қишда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Автосаройдаги ҳайдовчилар бригадалари вақтдан, ёқилғидан тежамкорлик билан фойдаланиб, кунлик топшириқларини адо этишга ҳаракат қилишмоқда. Улар учун энг асосийси эса ҳамшаҳарларимиз оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: бош муҳандис Улуғбек Тошпўлатов автосарой механиклари Абдували Аъзамов ва Файзулла Юнусов билан кундалик иш муҳокамаси устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*14 январь - Ватан ҳимоячилари куни*

## ЭНГ ЯХШИ ҲАРБИЙЛАР

***Мамлакатимиз ҳарбий округларида миллий армиямиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши қисм командири» танловлари давом этмоқда.***

Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларида ҳам танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда асосий йўналишлар бўйича дастлабки босқичларда ғолиб чиққан ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

— Танлов ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни қўриқлаш ҳамда тезкор ҳаракатланувчи махсус бўлинмалар ўртасида ўтказилди, — дейди ички қўшинлар бош бошқармаси ходими, подполковник Бахтиёр Агзамов. — Сержант ва офицерлар қисқа ва узоқ масофага югуриш, саф тайёргарлиги, қуролдан фойдаланиш, ўқ отиш, умумий ҳарбий низом ҳамда маънавий-сиёсий тайёргарлик бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этди.

Танловда Муҳиддин Раҳимов ҳамда Умиджон Ширинов «Энг яхши сержант», лейтенант Сергей Черевек ҳамда катта лейтенант Мурожон Ражабов «Энг яхши гуруҳ командири», катта лейтенантлар Шаҳобиддин Болтабоев ва Элмурод Абдураҳмонов «Энг яхши взвод командири» номига лойиқ топилди. Подполковниклар Евгений Чиботару ҳамда Сойибжон Ҳусанов йилнинг «Энг яхши қисм командири» бўлди.

## «ЭКОСАН» МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙЎЛИДА

***«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси жорий йил мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан янги «Экосан меҳр ва мурувват йўлида» мақсадли дастурни амалга оширишга киришди. Ушбу дастур доирасида «Энг меҳрибон қўшни» республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида мазкур кўрик-танловнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Танлов ташкилотчилари орасида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Ўзтелерадиокомпанияси ҳам бор.***

«Экосан» жамғармаси бошқаруви раиси Ю.Шодиметовнинг таъкидлашича, «Экосан меҳр ва мурувват йўлида» мақсадли дастури биринчи навбатда экологик нохуш ҳудудларда кам таъминланган оилалар ва ижтимоий объектларга ёрдам беришга қаратилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, жамғарма ташаббусига кўра, республикамизда «Қўшни қўшнига» шиори остида Мурувват кунлари, шу кунлар давомида эса икки босқичдан иборат «Энг меҳрибон қўшни» кўрик-танлови бошланди. Биринчи босқич Наврўз байрами, иккинчи босқич Рамазон ҳайит арафасида якунланади.

Учрашув иштирокчиларига танлов ғолиблари аниқланадиган мезонлари ҳақида маълумот берилди. Улар орасида кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар ва ёрдамга муҳтож бошқа одамларга кўмаклашиш каби мезонлар бор. Ушбу ёрдам муайян ишлардан иборат бўлиши керак. Масалан, таъмирлаш-тиклаш ишлари, болалар ўйин майдончаларини қуриш, маҳаллаларда сув таъминоти ва оқава қувурларни яхшилаш, ташландиқ ҳудудларни ободонлаштириш, янги боғларни барпо этишдаги ёрдам ҳисобга олинади. Шунингдек, муҳтожларга кўмаклашиш, шу жумладан коммунал тўловларни тўлаш, қишга тайёргарлик кўриш, маросимларни ўтказишда кўрсатилган ёрдам ҳам муҳим омил саналади. Танлов ғолиблари қимматли совғалар ва дипломлар билан тақдирланади.

Учрашувда меҳр ва мурувват азалдан ўзбек халқига хос бўлганлиги таъкидланди. Шу сабабли янги танловнинг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига ғамхўрлик кўрсатиш анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, ёшларни катта авлодларнинг муносиб анъаналари асосида тарбиялашдан иборат.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Давлат Божхона қўмитаси ва унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ўқув-семинарлари ташкил этилди. Уларда тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

● **Ўзбекистон Миллий университетида Халқаро толерантлик куни ва профессор Л.Генштекенинг 90 йиллигига бағишланган «Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

● **2003 йилнинг ёзида иш бошлаган Ўзбекистон ва Швейцария ҳамкорлигида тузилган «Олоттекс» қўшма корхонаси фаолиятининг дастлабки ярим йиллигида 809 минг погон метр дағал газламаларни импорт қилди.**

● **Бухоро вилояти Бизнес марказининг доимий кўргазмасида Ҳиндистоннинг «Сервер импекс» компанияси технологиялари намойиш этилмоқда.**

● **Фарғона санъат коллежининг ўзига хос меъморий ечим асосида бунёд этилган 5 қаватли биноси фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

● **Моҳир дипломат сифатида жаҳон ҳамжамиятига яхши танилган Голландиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири Яап де Хооп Схеффер НАТОни янги Бош котиб сифатида расман бошқаришни бошлади. У жаҳондаги бир қатор жиддий муаммоларни, хусусан Ироқ теварагида содир бўлаётган тўқнашувларни бартараф этишни кўзда тутмоқда.**

● **Покистон ва Ҳиндистон ўртасида Кашмир муаммоси бўйича музокараларни февраль ойида ўтказиш режаланмоқда. Ушбу қарор жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланди.**

● **Ўтган икки кун давомида Хитойнинг Гуандунь провинциясида яна уч кишининг SARS — ғайриоддий зотилжам хасталигига чалинганлиги тасдиқланди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу хавфли касалликнинг келиб чиқишига мазкур вилоятда ёввойи мушукларнинг севиб истеъмол қилиниши сабаб бўлмоқда.**

● **Халқаро ўргимчак тўри (World Wide Web)ни яратган Тим Бернес-Ли Буюк Британия империясининг рицарь унвонига сазовор бўлди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари неча йил мобайнида сақланади?**

**М.Рўзиев, муҳандис**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг архивларида етмиш беш йил сақланади. Ушбу муддат ўтгач, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий архивига ўтказилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари архивларининг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек уларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарларини сақлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

* * *

**Боланинг ота ёки онаси ёхуд бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқлари борми?**

**Л.Шарипова, талаба.**

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

* * *

**Ҳўл меваларнинг ҳар томонлама фойдали эканлиги ҳақида кўп гапирамиз. Улар ичида олманинг алоҳида хусусиятлари борлиги ҳам сир эмас. Шу тўғрида тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**Д.Раҳмонбекова, уй бекаси.**

Ҳақиқатдан ҳам олма витамин ва фойдали моддаларга ниҳоятда бойдир. Унинг таркибида айниқса темир моддаси кўп. Уни қанчалик кўп истеъмол қилсангиз, шунчалик юз терингиз яхшиланиб боради. Олмани иккига бўлиб, мағзидан юз терисини уқалашда фойдаланиш мумкин. Олма бўлаги билан юз, бўйин териларини яхшилаб уқалаш билан унинг таркибидаги моддаларнинг юз терисига таъсири яна ҳам кучаяди. Юз терисининг юмшоқлиги, нозиклиги ортади.

*Маданиятимиз сарчашмалари*

# ДУРДОНА ЁДГОРЛИКЛАРДАН БИРИ

***Тарихий манбалардан маълумки, ўтмишда Ўрта Осиёда китоб нашр қилинмаган, фаннинг қайси соҳасига оид бўлмасин, ҳамма асарлар қўлёзма ҳолида нусҳалар кўчириш йўли билан амалга оширилган, кўпайтирилган. Бу нозик, машаққатли ҳамда хайрли иш билимли, илмли, тажрибали, истеъдодли қўли гул хаттотлар томонидан асрлар давомида бажариб келинган.***

Аждодларимиз томонидан турли даврларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, тарихи, адабиёти, тилини, турмуш тарзини ўрганиш учун бой ва қимматли маълумотлар берувчи бирдан-бир ишончли манба, ҳужжатдир.

Миллий-маданий ва илмий-тарихий қадриятларимизнинг асосий манбалари қадимий қўлёзма китоблардир. Тарихдан маълумки, дунёвий илм-фаннинг асосий соҳаларига доир асарлар Мовароуннаҳрда, яъни бизнинг юртимизда ёзилган. Зеро, юртимиздан етишиб чиққан Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари олимлар, Алишер Навоий, Хондамир, Мирзо Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш каби мутафаккирлар яратган буюк мерос, хазина авлоддан авлодга ўтиб, ҳанузгача башариятга хизмат қилмоқда.

Туркистон халқларининг бой маданияти, илм-фанидан ҳикоя қилувчи қанчадан-қанча бебаҳо қўлёзма асарлар, ноёб манбалар ва нодир китоблар бедарак йўқолди, ўзаро босқинчилик урушлари вақтида талон-торож қилинди. Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги хазиналарида сақланаётган ноёб қўлёзмалар, ҳужжатлар, тарихий китоблар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида талон-торож қилинди ва нуфузли давлатларга катта пул эвазига пуллаб юборилди. Айни бир вақтда XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб энг ноёб қўлёзма асарлар чет элларга турли йўллар билан олиб чиқиб кетила бошланди. Олиб кетилган китоб ва қўлёзма асарларнинг энг қимматлиси Буюк Британия, Германия, Россия, Туркия, Эрон каби мамлакатларнинг китоб хазиналарида тўпланган. Бироқ ноёб қўлёзма асарлар ва китобларнинг бир қисми ўзимизнинг юртимизда, олимлар, маърифатпарварлар ҳамда айрим бойлар, йирик савдогарларнинг шахсий кутубхоналарида сақланган. Бундан ташқари шундай қўлёзма асарлар ва китоблар билан савдо қилувчилар қўлида ҳам анча тўпланган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича XIX асрнинг 80-90-йилларида Бухорода 40 дан ортиқ дўконларда, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 35 та, Самарқандда 7 та, Хивада 4 та, Шаҳрисабзда 2 та китоб ва қўлёзма асарлар сотиладиган дўконлар бўлган. Хорижлик сайёҳлар ва савдогарлар, китобсеварлар мана шу дўконлардан онг ва қалб ёғдуси — ноёб китоблар ва қўлёзма асарларни сотиб олган.

Мана шундай муҳим манба, қимматли маълумотлар берувчи қўлёзма асарлардан бири — «Худуд ул-олам» яъни, оламнинг чегаралари» асаридир. «Худуд ул-олам» асари 982-983 йилларда Шимолий Афғонистондаги Ғузхон вилоятида ёзилган. Асар шу вилоятнинг ҳокими амир Абдул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишлаб ёзилган. Форс-тожик тилида ёзилган тарихий бу асарни ўз замонасида ҳам, то XIX аср охиригача ҳам худди шу ном билан бирор кимса эшитгани ёки тилга олгани маълум эмас, ҳатто бирон рўйхатда ҳам қайд қилинмаган. Бироқ, бизнингча, бу тамомила номаълум асар бўлмаса керак, чунки биринчидан, асар ёзилганидан 300 йилча кейин (1258 й) шу қўлёзмани қайта кўчиришган экан, демак, эҳтимол китоб яна бошқача ном билан ҳам аталгандир. Аммо у илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан биридир, хусусан Ўрта Осиёда географик билимлар тарихи учун ниҳоятда қимматли нодир манбадир.

Шундай қилиб, бу тарихий асар XIX асрнинг охирларигача, аниқроғи 1892 йилга қадар илмий жамоатчиликка маълум эмас эди. Тарихдан маълумки, Бухоро бир неча асрлар давомида қадимий Шарқ қўлёзма асарлари ва нодир китоблар сотиладиган маънавият хазинаси ҳисобланган. Бухоронинг тарихий обидаларини кўргани келганлар албатта шу ердаги китоб дўконларини бир кўздан кечирар эдилар. Жумладан, 1892 йили рус шарқшуноси А.Туманский Бухорога келиб Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус» номли тарихий асарини топишнинг иложи йўқмикан, деб кўп вақтгача китоб дўконлари, ҳаттотлар, мирзолар, китобфурушларни, хонадон ва мадрасаларни қидириб чиққан, аммо у истаган нарса топилмади. Кейинчалик шарқшунос Туманскийнинг Бухорода қолган таржимони Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний шаҳардаги бир китобфурушдан бошқа бир қўлёзмани излаб топди. Бу қўлёзма тўртта асардан иборат бўлиб:

1. Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома» номли 27 варақ асари,
2. Муҳаммад Нишопурийнинг мусиқа ҳақидаги 2 варақли асари.
3. «Худуд ул-олам» сарлавҳали 30 варақли асар.
4. Фахриддин Муҳаммад ар-Розийнинг «Жами ул-улум» номли 49 варақли асари эди. Буларнинг ҳаммаси бир муқованинг ичига тикилган эди. Ушбу қимматбаҳо манбалар тўпламидаги учинчи қўлёзма — «Худуд ул-олам» яъни «Шарқдан Ғарбгача олам чегаралари» сарлавҳали бўлиб, ким томонидан ёзилгани бирон саҳифада кўрсатилмаган. Аммо кўчирилган йили ва ҳаттот исмигина ёзилган, холос. Бу ноёб қўлёзма тўғрисида Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний 1892 йилнинг 25 октябрида Петербургга хат ёзиб, шарқшунослар орасида биринчи бўлиб ахборот берди. Шарқшунос Туманский 1893 йилнинг баҳорида яна Бухорога келганида Гулпойгоний қўлёзмани унга ҳадя қилди. Шундай қилиб, бу қўлёзма Туманскийнинг ихтиёрига ўтди. У дастлаб 1893 йилнинг 2 майида «Самарқанд» газетасида «Самарқанднинг узоқ ўтмишидан» сарлавҳаси билан, шу қўлёзмадан парча келтириб, кичик ахборот берди. 1894 йили бошқа бир шарқшунос барон В.Розен қўлёзмани бошдан оёқ ўз қўли билан кўчириб чиқди. Шарқшунос Туманскийнинг ўзи эса 1896 йилнинг 19 апрелида Петербургда Россия археология жамиятининг Шарқ бўлимида батафсил маъруза қилиб, каттагина мақола ҳам ёзди. География фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган «Худуд ул-олам» асарининг қўлёзмаси кейинроқ академик В.Бартольд томонидан ўрганилган ва 1930 йилда китоб шаклида босилиб чиққан. 1935 йили Эронда Сайид Жалолиддин Теҳроний томонидан ушбу асарнинг форсча матни босилди. Шарқшунос олим В.Минорский эса ушбу асарни инглиз тилига таржима қилиб, уни 1937 йили Лондонда нашр эттирган. 1983 йили профессор А.Мухторов муҳаррирлигида «Худуд ул-олам» қўлёзма асари тожик тилида Душанбе шаҳрида босилиб чиқди.

География фанлари доктори профессор марҳум Ҳ.Ҳасанов ўзининг 1964 йилда нашр этилган «Ўрта осиёлик географ ва сайёҳлар» номли китобида «Худуд ул-олам» қўлёзма асар матнининг бир мунча эркинроқ таржима қилиб, асосий мазмунини бериб, унинг илмий аҳамияти тўғрисида ўз фикрини баён этган. Ушбу сатрлар муаллифи мақолани тайёрлашда ундан фойдаланди.

Хўш, жаҳон аҳамиятига эга бўлган бу ноёб асарнинг қиммати нимада? Жами 60 боб-мақоладан иборат бўлган бу қўлёзма асарда ер юзининг умумий тавсифи, денгизлар, дарёлар, кўллар, тоғлар, даралар, чўллар ва ўлкалар, ер юзидаги вилоятлар, шаҳарлар, уларнинг чегаралари, қўшни мамлакатлар ва халқлар ҳақида қимматли ва муҳим географик маълумотлар берилган. Яна бу қўлёзма асарда Мовароуннаҳр вилоятлари, шаҳарлари ва ундаги қишлоқлар, уларнинг чегараси, масофаси, аҳолиси, машғулоти, ҳунармандчилик ва савдоси, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва буюмлари, экинзорлари, чорваси ва боғу роғлари, ер ости бойликлари ва бошқа томонлари кўрсатилган. Шунингдек, бу асарда ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Ғарбий Хитой ерлари ҳам анча мукаммал тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда «Худуд ул-Олам» асарининг энг муҳим ва қимматли томони шундаки, жаҳоннинг барча мамлакатларини тасвирлаб берган географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномалар тўплами бўлиб, у оламшумул аҳамиятга эгадир.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**



***Меҳр ва мурувват йили деб номланган янги йилимизнинг илк кунлари саховат ва эзгулик юмушлари билан бошланди.***

*2004-Меҳр ва мурувват йили*

# КЎНГИЛЛАР ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласи ва шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган хайрли тадбир ҳам маҳалладаги кам таъминланган, ногирон ва кўмакка муҳтож инсонлар учун муносиб совға бўлди.

Меҳр ва мурувват йилига бағишланган ушбу тадбирга 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 200 нафар болажонлар таклиф этилди. Қорбобо ва Қорқиз, чиройли безатилган арча ва Цирк коллежи талабалари ижросида тайёрланган катта байрам томошаси барчага қувноқлик, хушкайфият бағишлади.

— Янги йилимизнинг байрамона, яхшилик, меҳр-саховат билан бошланиши қандай яхши, — дейди «Янги Камолон» маҳалласи оқсоқоли Қаххор Содиқов. — Байрам совғасини олган болажоннинг яшнаб туриши, миннатдор ота-оналарнинг дил сўзлари иш фаолиятимизда кам харж оилаларга эътиборни қаратиш, имкон борича уларга кўмак беришга чақириб туради. Ўйлайманки маҳалладошлар, саховатли инсонлар бу йилда яна ҳам ҳиммат кўрсатадилар.

**Садриддин АЗИЗОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

ҲИКОЯТ. Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, ораларидаги адоватни бартараф қилдилар, дўстлик аҳдин туздилар. Дўстликларини ҳам кучайтириб, абадийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўғлига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўғлига никоҳлади. Шундай қилиб икки ҳукмдор бир-бирларига қарши қуда бўлдилар. Бу ошнолик туфайли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб-келиб турди. Ҳар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир куни Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзиб юборди.

— Кўзларимизнинг нурлари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу тобдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли боғ ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам куёв бўлган ўғлингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди.

— Мен сиздан кўра бошқачароқ йўл тутдим. Вафосиз молдунё ва матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга молу дунё эмас, илм, ҳунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истардим. Уни илмли, ҳунарли, одоб-ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб либоси билан безадим, яхши хислатларни ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етади, аммо адабга завол етмайди.

Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқигач, унинг сўзини маъқуллади:

— Қудам тўғри айтади, одоб, ахлоқ — олтиндан қимматдир, — деди.

Қитъа:

**Эмас манзур хуш аҳлига моли,**
**Нечукким молнинг бордир заволи,**
**Улар матлуби бўлган илму одоб,**
**Ки топгайлар адабдан яхши алқоб.**

● Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, софдил бўл! Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма! Ёмон кишилар билан улфатчилик қилма! Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол.

● Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон. — Ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Рост сўзлашдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан! — деб жавоб берди.

● Мусибатли ва оғир дамларда қаноат ва сабрни пеша қил. Сабр бағоят макбул ва маъқул сифатлардан биридир.

## ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР СИНОВДАН ЎТАДИ

***Мамлакатимизда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки кредит маблағи ҳисобидан амалга ошираётган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси ўз самарасини бермоқда.***

Энди янги дарсликларнинг замон талабларига мослиги мукаммал синовдан ўтказиладиган бўлди.

— Ўқувчиларни ижара усулида дарслик билан таъминланиши сабаб адабиётлар мазмунига тўрт йил давомида ўзгартиш киритилмайди. Шу боисдан уларнинг мазмуни, матбаа сифатини аниқлаш мақсадида синов ўтказилади, — деди Республика таълим маркази директори ўринбосари Моҳира Солиҳова ЎзА мухбирига. — Ҳар бир дарслик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида, таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилида олиб бориладиган мактабларда синовдан ўтади. Бу жараёнда ўқувчилар дарсликлар билан, ўқитувчилар эса дарслик, методик қўлланма ҳамда махсус йўриқнома билан бепул таъминланади.

Республика таълим маркази ҳар бир синов дарслиги бўйича услубчи, психолог, тиббиёт ходими, матбаачи, рассом ва ота-оналар фикрларини ўрганади, таклифларни умумлаштиради.

Синов натижалари жорий йилнинг июнь ойида маълум бўлади.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири**

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ТЕЛЕФОН ЯҚИН ЁРДАМЧИ, ЛЕКИН...

Қизғин баҳс борарди. Мавзу битта. Телефон жоннинг роҳатими ёки азобими? Биров у деса, биров буниси дерди. Хўш, сизнингча-чи, ҳурматли оқшомхон? Тўғри топдингиз. Телефон жоннинг роҳати, лекин уни қийноққа, асаббузарликка айлантирадиган биз — шу бееминнат хизматдан фойдаланувчилармиз. Нега дейсизми? Эшитинг. Аввало узоғимизни яқин қиладиган телефондан бўлар бўлмас эмас, балки муҳим зарурият юзасидан фойдаланишга одатланишимиз керак. Икки дугона, дўст ёки ака-ука, опа-сингилларнинг арзимаган иш юзасидан телефонни банд қилиб, соатлаб валақлаб ўтириши одобдан эмас. Худди шу кезда зарурият туфайли уйимизга телефон қилмоқчи бўлган киши унинг узоқ бандлигидан асабийлашмайди дейсизми? Ёки айтайлик сиз бирор юмуш билан иш жойингизга, таниш-билишларникига телефон қилдингиз. Гўшакдан «Алло» ёки «Эшитаман» деган овоз келиши билан биринчи навбатда сиз овоз эгаси билан одоб юзасидан саломлашишингиз, такаллуфингизга яраша жавоб бўлгач, гаплашаётган кишини аниқ таниб ундан сўнг мақсадингизни баён этишингиз мумкин. Овоз эгаси нотаниш бўлса «бу фалончининг уйими?» ёки «фалон ишхонами?» деб сўралади. Борди-ю тасодиф бўлиб ёки рақамдан янглишиб бошқа жойга тушиб қолган бўлсангиз индамай гўшакни жойига тарақлатиб урмай, албатта нариги томондаги инсондан кечирим сўрашингиз керак.

Баъзан шундай ҳол бўлади. Телефон қоққан одам на салом бор, на алик бор, манзилга тўғри тушган, тушмаганини суриштирмай (кўпинча бундай ҳол балоғат ёшига етган қизлар ва йигитлар ўртасида бўлади) сайраб кетади:

— Вой Попу, яхшимисан, кеча Камолни кўрдим. У...

— Ҳой менга қара. Бу Попунинг уйи эмас. Сайрамай олдин суриштирсанг-чи.

Икки томоннинг асаби бузилади...

— Ҳалиммисан, кеча нега чиқмадинг?

Буёғига бўралаб сўкиш бошланади.

— Йигит ўлгур, бошқа жойга тушиб қолдинг.

Яна асаббузарлик.

Баъзиларимиз эса телефон қиламиз-да, у томондан овоз келгунча индамай гўшакни ушлаб тураверамиз. «Гапиринг» у томондан асабий овоз эшитилади. Овоз эгаси биз истаган одам бўлса гапирамиз. Аксинча, индамай гўшакни жойига қўямиз. Бу ҳам асаббузарликнинг бир тури.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеа. Дам олиш куни кўқ туш пайти қўшнимизникида шов-шув кўтарилиб қолди. Ён қўшни — жон қўшни. Тинчликмикан, деб югуриб чиқдик. Билсак, кимдир телефон қилиб шундай дебди: «Бу Машҳурахонларнинг уйими? Тез етиб келинг, қизингизни машина уриб кетди. Ҳозир у Чилонзордаги касалхонада»

Бор гап шу. Энди айтинг, Чилонзорда нечта касалхона бор? Вазиятга аниқлик киритиш учун нега жабрдийда қизнинг отасининг номи айтилмайди? Хонадон эгалари безовта. Фурсат эса ғанимат. Кўпчилик яхши-да. Ишни осон қилиш учун ҳаммамиз Чилонзор туманида жойлашган касалхоналар бўйлаб тарқалдик. Қанча сарсон-саргардонлигу, асаббузарликдан кейин билсак чиндан ҳам тасодиф туфайли машина ҳалокатига учраган Машҳура исмли қизни Чилонзордаги «Тез ёрдам» касалхонасига келтиришган экан. Қўшнимизга телефон қилган одам шошилинчда телефон рақамини нотўғри териб юборибди. Биз-ку қидириб етиб, топдик. Лекин қизалоқнинг ота-онаси бу воқеадан ҳамон бехабар эди.

Хуллас, бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Энди юқоридаги саволнинг жавобига келсак, телефон чиндан ҳам жоннинг роҳати, лекин ундан фойдаланиш одоби, қонун-қоидаларини унутмаслигимиз керак. Ана шунда хонадонимиз безаги бўлмиш телефон бизнинг энг яқин ёрдамчимизга айланади.

## «КИТОБСОТАРЛАР»

Тушлик қилиб ўтиргандик. Икки йигит тепамизга келиб қўлидаги китобини кўз-кўз қила кетди.

— Мана буниси жиноятчилик ҳақида, мана буниси севги ҳақида. Бу бориб турган саргузашт. Ўқисангиз дунё кезгандек бўласиз.

Қўлидаги китобларга таъриф бераётган бу инсонлар мана шу манбаларни ўзлари ўқиб чиққанлармикан, йўқми билмадик, лекин шундай нодир асарларни маст-аласт кишилар қўлида кўриб ранжидик. Бобокалонларимиз китобни беҳудага офтобга таққослашмаган. Чунки офтоб танамизга қанчалик ҳузур-ҳаловат, куч-қувват бағишласа, китоб ҳам шунчалик ҳарорат ва руҳий қувват бағишлайди. Модомики шундай экан, ҳар бир инсон учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқ.

Энди айтинг, кимларнингдир неча-неча тунларни тонгга улаб машаққатли меҳнати, тинимсиз ижод маҳсули эвазига дунё юзини кўрган шундай дурдонани қайсидир қадр билмас, ичкиликбоз инсонларнинг ювуқсиз қўлида озор чекиб юриши кимни ҳам ранжитмайди дейсиз. Ўз ҳолимизга қўймай, китобни зўрлаб бурнимиз тагига тиқаётган «китоб сотарлар»дан иккита адабиётни харид қилдик. Улар китоб пулини чўнтакка эмас, буфетчининг олдига ташлашди.

— Қани, юз элликтадан қуй.

Уриштириб ичишди-да, ҳатто газак ҳам қилмай чиқиб кетишди. Қўлларидаги китоблардан биттаси сирғалиб ерга тушиб қолганини ҳам сезишмади. Кимдир дарҳол бориб китобни ердан кўтариб олди-да, артиб, тозалаб олдига қўйди.

## ЭГАСИГА НАСИБ ҚИЛМАГАН ОЛМА

Фозилжоннинг маҳалладош дўстлари ишхонасига қўнғироқ қилиб «бир келиб кетинг, зарур гап бор» деб қолишди. Оғайнилар тушликка чойхона палов қилишган бўлса чақиришяпти шекилли, деб Фозилжон куни кеча янги олган машинасига тезгина ўтирди-да, уйига эмас, тўғри чойхонага етиб келди.

Чойхонага кирса тинчлик. Чойхоначи Ҳакимжон югуриб олдига келди, қўш қўллаб кўришди.

— Бормисан дўстим. Бу янги уйга кўчиб олиб биз маҳалладошларингни бутунлай унутиб юбординг шекилли-да.

— Жуда унчалик эмас. Энди ўзингдан қолар гап йўқ. Иш, оила ташвиши деганларидек.

— Э, дўстим. Дунёнинг ишлари ҳеч қачон битган эмас. Ҳамиша бири кам икки. Лекин ҳарна бўлганда ҳам униб-ўсган жой — маҳаллани эсдан чиқармаслик керак.

Фозилжон соатига бир қараб олиб, мақсадга ўтди.

— Оғайнилар қўнғироқ қилишувди. Шунга тушлик қилмай ош-пош бормикан деб...

— Хабаринг бор. Ойинг касаллар. Анчадан бери ётиб қолганлар. Кеча уч-тўрт киши йиғилишиб кўргани кирувдик. «Ўғлим Фозилжонни чақириб беринглар, кўргим келяпти» деб бизга илтимос қилган эдилар. Шунга эрталаб сенга телефон қилдик. Олдин уйга кириб, кампирдан хабар ол, кейин чиқарсан. Ош қилиш бўлса қочмас.

Фозилжон ҳовлига кириб лол қолди. Ҳамма ёқ бетартиб. Ерга ёғ тушса ялагудек қилиб, ҳатто битта хасни ҳам қўли билан териб юрадиган онасига нима бўлди. Нега анави қўшни хотин Манзура опа уларнинг ҳовлисини супуриб юрибди?

Манзура Фозилжонга бир зум термулиб турди-да, истиқболига югурди.

— Вой, келдингми иним, тезгина ичкари кирақол. Онанг бечора неча кундан бери сенга илҳақ бўлиб ётибди.

Фозилжон Манзура опа етагида онасининг олдига кирди.

— Каромат опа, кўзингизни очинг, ўғлингиз Фозилжон келди, — деди Манзура опа кўрпа-тўшакда ётган беморнинг ёнига тиз чўкиб.

Каромат хола кўзини очди. Мадорсиз қўлларини ўғли томон узатди. Фозилжон онанинг титроқ бармоқларини кафтига олди.

— Бормисан болам. Дард ўлсин, сени ҳам безовта қилдим. Кўргим келиб қолди-да, нима қилай.

Она-бола бироз гаплашиб ўтиришди. Кейин Фозилжон иши зарурлигини айтиб ўрнидан турди. Ўғли кетар чоғида Каромат хола:

— Болам йўлинг тушса, озроқ олма ташлаб ўтарсан, негадир кўнглим олма тусаяпти-да, — деб зорланди.

Ўғил бош ирғиб чиқди. Шу кетгандан Фозилжон икки кун келмади. «Иш билан бўлиб» онасининг «буюртмаси»ни эсдан чиқарди. Қачонки маҳалладошлари қайта қўнғироқ қилиб уйга тез етиб келишини айтишганда, у бозорга югурди. Икки килограмм олма харид қилиб уйига қайтиб келса онаси унга кўз тута-тута оламдан ўтган экан. Шум хабардан Фозилжоннинг ақли оғиб қўлидаги халтани ерга ташлаб юборди. Ундаги онага аталган олмалар оёқ остида юмалаб ётарди.

Биз Фозилжоннинг иш жойи ва манзилини аниқ ёзиб ўтирмадик. Зеро, гап эгасини топади, азизлар.

*Биласизми?*

## САҚИЧНИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН

***Сақични ким ўйлаб топган? Қадимда Сибирь кишиларининг аҳолиси арчанинг қора мойини, Майя ҳамда ацтеклар каучукни, Перу ҳамда турк қишлоқларининг аҳолиси эса япроқни чайнашган.***

Дастлаб сақич ишлаб чиқаришга патентни 1860 йили америкалик дорихона хизматчиси Адамс олган. Асримизнинг бошида Рингли раҳбарлигида сақич ишлаб чиқариш кенг авж олди. Сақич чайнаш зарарлими деган саволга «Зарарли эмас, бироқ фойдаси ҳам йўқ» дейди мутахассислар. Сақич биронта касалликни келтириб чиқармаган экан. Америкаликларга йилига жон бошига 250 дона сақич тўғри келар экан. Бу икки юз тонна деган гап. Европаликларга эса (французлар, италияликлар, немислар, швед ҳамда бельгияликлар) йилига ўрта ҳисобда 100 донадан сақич тўғри келар экан.

Сақич ўралган қоғозга уни нимадан тайёрланганини ёзиб қўйилади: қанд, сорбит, хушбўй ҳидли нарсалар... Уни тайёрлайдиган ҳар бир фирманинг ўз рецепти ҳамда технологияси бор. Туркиянинг йирик фабрикаларидан бири «Кент» Истанбул шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган. Унда машҳур «Турбо», «Тарнсформер», «Тошбақа ниндза», «Симпсон» каби сақичлар тайёрланади.

## БИРИНЧИ МАРТА

— Маълум бўлишича, инсоният тарихида биринчи марта қоғоз пул, компас, ипак ва чинни буюмлар, ҳожатхона қоғози, томорқани суғоришда ишлатиладиган чархпалак ва замбилғалтак Хитойда ихтиро қилинган экан. Европанинг атоқли тарихчи олими Денис Шато ўзи олиб борган кўп йиллик тадқиқотларидан кейин шу хулосани таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳали Европада одамзот қабила-уруғчилик босқичини бошдан кечираётган бир даврда Хитой улкан маданий тараққиёт даражасида бўлган.

* * *

Энг биринчи қоғоз пул мелодий 812 йилда Хитойда босиб чиқарилган ва фақат милодий 970 йилга келиб дунёда қоғоз пул кенг расм бўлган.

* * *

Олис ва яқин масофадаги зилзилани аниқлаш имконини берувчи сейсмография асбобини мелодий 132 йилда Хитой олими Занг Хенг ихтиро этган. Шунингдек, зилзилага чидамли биринчи иморатлар ҳам илк марта Хитойда бундан 7000 йил олдин бунёд этилган. Ёғоч синчли бинолар зилзилада силкиниб-тебраниб турсада, лекин қулаб тушмаган.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*12 — 16 январь*



**Қўй (21 март — 20 апрель)** — Ҳафтангиз албатта хайрли бошланади. Лекин чоршанба, жума кунлари ишларингиз кўпайгандан кўпаяди. Таваккалчилик, рақобат, ишингизнинг кўплигидан асабийлашасиз. Қийинчиликларни енгиб, фаол ҳаракат қилинг.



**Бузоқ (21 апрель — 20 май)** — Ҳафта бошида касбий фаолиятингизда ўзингизга қаттиқ интизом, қатъий талаб қўйинг. Барча ишларингиз яхши томонга ўзгариб, катта даромад эгаси бўлишингиз мумкин.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** — Ушбу ҳафта диққат-эътиборингизни аввало соғлиғингизга ва оилангизга қаратинг. Дам олиш кунлари мириқиб дам олинг.



**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)** — Ҳафтани яхши ниятлар билан бошланг. Қалбингиздаги ҳасад, гина-кудуратларни унутинг. Оилангиздаги майда нохушликларни ўзингиз ҳал этишингиз керак.



**Арслон (23 июль — 23 август)** — Сиз учун омадли кунлар яқин. Дўстларингиз маслаҳати билан янги иш бошлашдан чўчиманг. Қатъиятли бўлишга интилинг.



**Паризод (24 август — 23 сентябрь)** — Ушбу ҳафта иқтисодий муаммоларни ҳар қандай шароитда ҳал қилишни ўйлаб кўринг. Иш жойингизда моддий рағбатлантиришдан бошингиз осмонга етади.



**Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь)** — Ҳафта бошида ҳамкасбларингиз билан тортишиб қолишингиз ва алоқаларингиз завол топиши мумкин. Сиз уларнинг ишончини оқлашингиз, мулоҳаза билан иш кўриб, яна алоқаларингизни тиклашингиз мумкин.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Бу ҳафта турли қарорлар чиқаришга шошилманг. Ҳафта ўрталарида иш фаолиятингиз бироз сустлашади. Соғлиғингиз ҳақида ўйлайдиган вақт келди.



**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Ҳафта кўнгилдагидек бошланади. Бироқ охирига етолмай қолган ишларингизни тугатишга киришинг. Яхшиси фурсатни бой берманг.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)** — Ушбу ҳафта сиз учун омадли келади. Ўқишда яхши ютуқларни қўлга киритиш имконингиз бор. Молиявий жиҳатдан ҳар томонлама тежамли бўлишга ҳаракат қилишингиз керак.



**Қовға (21 январь — 19 февраль)** —Ҳафта сиз учун бироз нохуш бошлансада, аксинча қувончли хушхабарлардан бошингиз осмонга етади.



**Балиқ (20 февраль — 20 март)** — Хизмат бўйича сафарга отланишингиз, тадбиркорлик соҳасида ўз билимингизни синаб кўриш фурсати етди. Ҳамкорларингиз мададига суянинг, албатта.

*Спорт*

## ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳамза тумани бўлими ташаббуси билан «Учкураш» деб номланган тадбир тумандаги 30-меҳрибонлик уйида ўтказилди.***

Спортнинг баскетбол, шашка ва шахмат турлари бўйича ўтказилган мазкур мусобақада 130-ёрдамчи мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Мусобақада қатнашган жамоалар ўзларининг зукко, эпчил ва чаққонликларини тўлақонли намоён этишга ҳаракат қилдилар. Спортнинг баскетбол тури бўйича энг яхши натижа кўрсатган 30-меҳрибонлик уйининг 6-синф ўқувчилари 1- ўринга лойиқ деб топилди, 2-ўринни 103-ёрдамчи мактабнинг 7-синф ўқувчилари ва 3-ўринни 5-синф ўқувчилари эгаллашди. Шашка бўйича биринчи ўринни 30-меҳрибонлик уйи 2-синф тарбияланувчилари қўлга киритдилар. Кейинги ўрин эса 5-синф ўқувчиларига насиб этди. Қизиқарли баҳсларга бой, байрамона руҳда ўтказилган мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдуз УСМОН**

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
М.Б.М

***Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.***

Биржа савдоларга қуйидаги объектлар қўйилган:

| Т-р | Объект номи | Объект манзили | Майдони | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1. | "Нур" мажмуаси | М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй. | 1 642.0 кв.м. | 750 000 000 |
| 2. | Қурилиши тугалланмаган 17-сон дўкон биноси (2-блок) | Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси. | 662 кв.м. | 83 415 532 |
| 3. | Қурилиши тугалланмаган 18-сон дўкон биноси (3-блок) | Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси. | 662 кв.м. | 80 444 028 |

*Шунингдек савдоларда «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар*

*«Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ бозори ҳудудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.*

*Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.*

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.***
***Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz.***

**ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ**
каталог бўйича пардалар тикамиз. Карниз ўрнатамиз.
**Тел: 176-63-87, 46-70-25.**

«Радио деталлари» дўкони ҳар қандай радио деталлари, компьютерлар ва компьютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.
**Телефон: 68-88-77**

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45
***Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ЎҒРИНИНГ ЧУВИ ЧИҚДИ

***Букрини гўр тўғриласин экан. Хайриддин бир неча марта судланиб, икки бор қамалиб чиқса ҳам «қўли эгри»лигича қолди.***

Дангасалиги эса эт-этига сингиб кетган, иш деса том айланиб қочади. Бу хасталикка йўргагида чалинган кўринади. Нима бўлганда ҳам «касб»ига меҳр қўйган йигит, унинг орқасидан ҳамқишлоқлари орасида жуда машҳур бўлиб кетган. Ўзиям нақ отнинг қашқасидай таниқли. Фалон нарса ўғирланибди, деган гап чиқса, Хайриддин қилмадимикин, дейишади дарҳол.

Машҳурлик ҳам панд едириб қўяркан баъзида. Бугун Хайриддинни суд залига келишга ва қонун олдида бошини эгиб, сувга тушган мушукка ўхшаб туришга мажбур қилган куч унинг машҳурлиги бўлди...

Ҳалима опанинг қўйи қўрасида туриб йўқолиб қолганида, унинг хаёлига урилган биринчи гумондор киши Хайриддин бўлди. Чунки, у кеча Ҳалима опанинг ўғли Азаматни сўраб уларникига бир неча марта келган эди. Ўшанда даричадан чақириб келиб, Азамат уйда йўқлигини билгач, қайтиб кетаётиб ҳовлига девор оша бўй чўзиб қўйди, орадан бир оз вақт ўтиб-ўтмай катта дарвоза тарафдан яна йўқлаб келганди. Хайриддиннинг турли томондан қилинган кутилмаган ташрифи Ҳалима опани шубҳага солиб қўйди. Ана шу чала шубҳа-гумонлар билан саҳарлаб Ички ишлар бўлимига хабар берди. Бироздан сўнг тезкор гуруҳ аъзолари воқеа жойига етиб келди. Гумондор Хайриддин Элмуродовни ўз уйида қўлга олишиб, унинг хонадонини тинтув қилиб чиқишди. Далил бўладиган ҳеч нарса топишолмагач, хижолат бўлиб қайтиб кетишаётганларида ҳовли бурчагида қазилган қудуқ милиция ходимларидан бирининг диққатини тортди. Қарашсаки, унда ҳали буғи кўтарилиб улгурмаган, бир неча бўлак қилиб нимталанган 40 килограмм қўй гўшти турарди. Хайриддиннинг рангида ранг қолмади, ўзини ҳар кўйга солиб, у деди, бу деди, лекин жўяли бирор гап айтолмади.

Ҳечқиси йўқ, суд қилингунча дурустроқ баҳона ўйлаб топар, ахир гапни қотиради-ку.

Аттанг, яна чув туширди. Қайтанга қўйни қайси жарга олиб бориб сўйганлиги-ю, унинг калла-почаларини сувга қандай қилиб улоқтирганларини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Хайриддинга берилган бу сафарги олти йил озодликдан маҳрум этиш жазосидан сўнг, зора «эгри қўли» тўғриланса, тағин ким билсин, сут билан кирган жон билан чиқади, дейишади.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида**

**Комил ЁРИЕВ тайёрлади**

## ЭШИКНИ ЁПИНГ, ЭШМАТОВ

*Ҳажвия*

Ҳузуржон Ширинжонов ғишт заводига раҳбар бўлиб олди-ю, тез-тез хаёл сурадиган одат чиқарди. Олим чаққоннинг кечаги гапини қаранг: «Бошлиқ ҳам шунақа бўладими» дейди-я. Тинчгина ўз ишини қилиб юравермайдими, менинг ишларимга аралашиб нима қилади, ошга пиёздоғ бўлиб. Аввал у ишчиларга бошлиқ билан бўладиган муомалани ўргатсин. Кечгача минг хил таклиф билан кираверib бошимни қотиришади. Менга тинчлик керак — мен тинчлик тарафдориман.

«Етти ўлчаб бир кес» нақли бекорга айтилмаган. Ҳар бир ишни ойлаб, йиллаб, ўйлаб, пишитиб кейин амалга ошириш лозим. Бўш иш тепилмаган лойга ўхшайди. Масалан, мана, биз яқиндагина фермада ишлар эдик, энди-чи! Ҳаммаси ширин муомала қила билишимдан, минг ўйлаб бир сўйлашимдандир. Хўш, ўртоқ касабақўм, сизнингча қандай бўлиш лозим? Бошлиқ бўлсам арзимабдими? Бўйим пастроқ, орикроқ бўлсам ҳам бунинг зарари йўқ. Юқори мартаба эгарига минган кишининг бўйига бўй, этига эт қўшилиши ҳаммага маълум-ку. Одамларга «Эрта келинг, индин келинг» деган бўлсам жуда тўғри айтибман-да. «Хўп бўлади, бажарамиз» деб турганимда раҳбарлик обрўйим чархпалак бўлиб кетарди-ку. Ҳа балли, биз масаланинг ана шу томонларини ҳам бошни қашиб, обдон ўйлаб кўрганмиз. Биз қўл остимиздаги ҳар бир кишининг таклиф, шикояти ва талабига енгил-елпи қарамай, балки вазминлик билан кунлаб, ойлаб жавоб ахтарамиз. Шунинг учун ҳам бизга тинчлик, соғлом шароит даркор.

Хўш, шундай экан, касабақўмнинг «У масалани бундай қилишимиз керак, бу масалани мажлисда кўришимиз керак» деган хархашаларига чидаб туриш мумкинми? Ўлмаган менинг жоним. Тағин ҳам инсонда иккита қулоқ бор-да, агар беш-ўнта бўлганидами ҳаммасига қулф-калит қилдиришга тўғри келарди.

Энди интизом масаласи. Қаерда интизом бўлса ўша ерда иш «мих» бўлади. Базага мудирлик пайтимда ҳам битта сўзимни иккита қилганларни зудлик билан «думини» тугиб юборардим. Шунинг учун ҳам палов тагига олмасди, кабоб куймасди, бўшаган шишалар ўтда-бетда ётмасди, қўл ботмайдиган қилиб дамланган чойлар столим зийнати эди. Қандай интизомли, меҳрибон одамлар эди улар. Оғзилари асалари иними-тилларидан бол томади-я, деб ўйлаб теримга сиғмай кетардим. Бу ерда-чи? Ҳаммаси ўзбилармон. Интизомнинг бўлса «и» ҳарфини ҳам билишмайди. Ана, яна биттаси бошимни оғритгани келди.

— Ассалому алайкум, мумкинми?

— Интизомни биласизми, ўзи?! Аввал эшикни тақиллатиб кейин рухсат сўрасангиз бўлмайдими? Ахир, мен пашша қўриб ўтирганим йўқ. Сизлар ҳақингизда, завод тақдири ҳақида бош қотиряпман.

— Кечирасиз, мен, мен...

— Нима, мен, мен? — «Биз» дейишга қачон одатланасиз? Хўш, муддаога кўчинг.

— Муддао... заводдан кетмоқчиман. Мана ариза, ишлаш учун умуман шароит яратилмаган.

— Кетиш-петишинг билан ишим йўқ. Бугуннинг ўзида тўрттанг ариза кўтариб кирдинг. Хўш, интизом борми сенларда? Шароит масаласи эса менда ҳам шундай. Кечгача мингтанг кирасан. Мингтангнинг минг хил хархашанг бор. Шундай шароитда ишлаб бўладими-а?

Эшматов аризасини столга қўйди-ю, худди ортидан ит қувлагандек югургилаб чиқиб кетди.

Бир куннинг ўзида беш нафар ишчидан ариза олган Ҳузуржон эртага ким билан ишлашини билмай боши қотганди. У ўрнидан турса зилзила бўладигандай столга шундай ёпишиб олган эдики, деразадан қаралганда гўё у ўриндиққа елимлаб қўйилганга ўхшарди.

**Уста НАБИ**

*Бўш вақтингизда*

## «Ҳ» ҳарфли бошқотирма



**Ёйлар бўйича марказ томон:** 1. Ер шарининг энг баланд тоғ тизими. 2. Вилоят ёки туман раҳбари лавозими. 3. Инсоннинг ўз меҳнати билан топилган мол-мулки. 4. Чиндан ҳам бўлган, бор нарса. 5. Атоқли ўзбек географ олими. «Сайёҳ олимлар» асари муаллифи. 6. Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 7. Бирор воқеа, ҳодиса юз берган пайтнинг ўзидаёқ. 8. Ўзбекистон халқ шоири, ғазалнавис, қўшиқлар муаллифи. 9. Бараканинг асоси. 10. Уч кунлик кўринишдаги ой. 11. Насрий асар. 12. Ўзбек қўшиқчи шоири. 13. Мисрлик араб ёзувчиси, жамоат арбоби. 14. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар. 15. Шамсия йилининг биринчи ойи. 16. Майда, умуртқасиз бўғин оёқли жониворлар мажмуи. 17. «Хуш келибдилар» мазмунидаги сўз. 18. Спорт мусобақасини бошқарувчи. 19. Безаш учун ишлатилган нарса. 20. Кучли даражадаги иссиқлик. 21. Эрондаги тарихий шаҳар. 22. Аҳвол, вазият. 23. Хирмон асоси, унум. 24. Топшириқ режанинг амалга оширилиши кўрсаткичлари маълумоти.

### Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Инсоннинг жамиятда тутган обрў, эътибори — 3, 2, 6, 8.

2. Кийим-кечакнинг тахлити, урфи — 9, 4, 7, 4, 10.

3. Юзга пардоз бериш мосламаси — 5, 4, 1.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 1 январь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. «Пахтакор». 2. Ширмой. 3. Қодирий. 4. Африка. 5. Ифтихор. 6. Армуғон. 7. Оромгоҳ. 8. Оқибат. 9. Шарбат. 10. Муашшаҳ. 11. Мушоира. 12. Мунозара. 13. Қорбобо. 14. Мукофот. 15. Маймун. 16. Оймома. 17. Айсберг. 18. Қамария. 19. Матонат. 20. Табрик. 21. Раққоса. 22. Дақиқа. 23. Қаҳратон.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Йил. 2. Тенг. 3. Ҳисобот. 4. Шодиёна. 5. Мева. 6. Ўрмон. 7. Уй.

**Рақамларда: Бошланаётган Меҳр ва мурувват йили омадли бўлсин!**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-207. Топширилди 14.00 1 3 4 5 6